



ТУРЛИ ДАВЛАТЛАРДА ЧЕТ ЭЛ ФУҚАРОЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ҲОЛАТИ МАСАЛАЛАРИ

Байжанова Рамуза Теңелбай қызы

Қорақалпоқ давлат университети Юридика факультети Ҳуқуқ ва
бизнес мутахассислиги магистранти

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 01-February 2024 yil

Ma'qullandi: 03- February 2024 yil

Nashr qilindi: 05- February 2024 yil

KEY WORDS

*чет эл фуқаролари, фуқаролар
ҳуқуқи, МДҲ давлатлари,
фуқаролик институти, шахсий
қонун, жисмоний шахс, ҳуқуқ
лаёқати, муомала лаёқати*

ABSTRACT

*ушбу мақолада чет эл фуқароларнинг ҳуқуқи,
уларнинг ҳуқуқий ҳолати, шахсий қонун, шахснинг
ҳуқуқ ва муомала лаёқати, шунингдек, турли
давлатларда чет эл фуқароларнинг ҳуқуқий
ҳолатлари ҳақида маълумот келтирилган*

XXX доктринасида "чет эл фуқаролари ҳуқуқи" иборасини учратиш мумкин. Бу ибора ривожланиш борасида, асосан оммавий ҳуқуқ доирасида чет эл фуқаролари учун махсус ҳолатни, мақомни барпо этишга қаратилган эди. Одатда "чет эл фуқаролари ҳуқуқи" уларнинг муайян мамлакатда жойлашиши, ишга кириши ва ҳ.к. вазиятлар бўйича тегишли тартиб-қоидаларда ўз аксини топгандир. "Чет эл фуқароларининг ҳуқуқи"ни, умуман олганда, чет эл фуқароларининг ҳуқуқини чеклашга қаратилган нормалар йиғиндиси сифатида тушуниш лозим деган фикр ҳам мавжуддир. Чеклашлар асосан жойдан жойга ўтиш, маълум бир касб билан шуғулланиш, кўчмас мулкка эгалик қилишларга тегишлидир. Ҳозирги шароитда "чет эл фуқаролари ҳуқуқи" чет эл фуқаролари ва миллий фуқаролар орасидаги муносабатларни тартибга соладиган алоҳида ҳуқуқ соҳаси мавқеини сақлаб қолмаган. Чет эл фуқароларининг ҳуқуқий ҳолати (*la condition des etrangers*) турли хил мамлакатларда анъанавий XXX доирасига киритилгандир. Булар Франция ва ҳуқуқ тизими француз ҳуқуқи таъсирида шаклланган мамлакатлардир. Кўпчилик мамлакатларда эса хусусан бу доирада тартибга солишни синчковлик билан амалга ошираётган мамлакатларда (ГФР, Австрия ва бошқалар), чет эл фуқароларининг ҳуқуқлари маъмурий ҳуқуқнинг таркибий қисми деб ҳисобланади.

Шундай қилиб, чет эл фуқароларининг ҳуқуқи-чет эл фуқароларининг махсус ҳолатини (статусини) белгилайдиган нормалар йиғиндисидир.

Одатда "чет эл фуқароларининг ҳуқуқи" чет эл фуқароларининг ҳуқуқий ҳолатини тор ва кенг маънода белгилайди. Тор маънода бу нормалар асосан маъмурий-ҳуқуқий характерга эгадир; улар чет эллик фуқаронинг ҳолати миллий фуқаронинг ҳуқуқий ҳолатидаги фарқларга бағишлангандир. Кенг маънода эса ҳар томонлама қамраб

олувчи барча нормаларнинг йиғиндисидир.

Ўзбекистон Республикасида, бошқа МДХ давлатлари сингари, "чет эл фуқароларининг ҳуқуқи" ҳуқуқ тизимида алоҳида ҳуқуқ соҳаси бўлиб ҳисобланмайди. Бунинг сабаби қўйидагича: тартибга солиш предмети бўйича мазкур нормалар ҳуқуқнинг турли хил соҳаларига мансубдир (давлат, маъмурий, фуқаролик, меҳнат, оила, жиноят, процессуал ҳуқуқлари ва ҳ.к.).

Юқорида таъкидланганидек, "фуқаролар ҳуқуқи" қатор давлатларда ҳозирги вақтгача ХХХқа бевосита киритиларди. Бу ерда "фуқаролар ҳуқуқи" бўйича фуқаролик масалаларини тартибга соладиган нормалар йиғиндиси тушуниларди.

Фуқароликни белгилаш ҳар бир давлатнинг юрисдикция предметини ташкил этади. Бу ердан шундай ҳолат келиб чиқадики, ҳар бир давлат ўз ҳудудидаги фуқароликни ўзи белгилайди: Франция фуқаролигини Ўзбекистон ҳуқуқи нормалари асосида ва, аксинча, Ўзбекистон фуқаролигини француз қонунчилиги асосида қабул қилиш мумкин эмас. Шахс фуқароликни олиши ва ундан маҳрум этилиши давлат розилигисиз амалга оширилиши мумкин эмас.

Фуқаролик ўзи қатор ҳолатларда аҳамиятли коллизия таъмин бўлиши мумкин. Лекин бизнинг ҳамда кўпчилик мамлакатларнинг доктриналари (таълимоти) бўйича бу ҳолат фуқаролик институтини ХХХ доирасига киритиш учун асос бўла олмайди.

Фуқаролик институти комплекс характерга эгадир: уни қисман давлат, қисман халқаро ҳуқуқ доирасига таълуқли деб ҳисоблаш мумкин.

ХХХ доирасида фуқаролик институти бўйича изланишларни амалга ошириш, И.С. Перетерскийнинг таърифи бўйича, "қўмаклашув характерга" эгадир. У "чет эл элементли" мулкӣ ва бошқа муносабатларнинг субъекти кимлигини, яъни у ушбу мамлакатнинг фуқаросими, чет эл давлатининг фуқаросими ёки фуқаролиги бўлмаган шахсми деган саволга аниқлик киритади [1].

Бу ерда шуни айтиб ўтиш лозимки, ҳар бир шахс ўзининг миллий қонунига бўйсунди, унинг ҳуқуқӣ ҳолати айнан шу қонун томонидан белгиланади. Халқаро хусусий ҳуқуқда эса у ёки бу муносабат қатнашчиси албатта хорижлик бўлиши назарда тутилади. Чет эл фуқароси иккита-ўзининг ва у ҳозир бўлган давлатнинг ҳуқуқӣ тартибига бўйсунishi назарда тутилади. Ушбу иккиламчиликда чет эллик фуқаронинг ҳуқуқӣ ҳолатининг ўзига хослиги намоён бўлади. Демак, конкрет ҳуқуқӣ муносабатда чет эл фуқароси ҳуқуқӣ ҳолати қайси қонун билан тартибга солиниши катта аҳамиятга эгадир.

Бу масала жисмоний шахснинг шахсий қонуни тушунчаси орқали ҳам ҳал этилади.

Шахсий қонунни тадбиқ қилиш доирасига-жисмоний шахснинг фуқаролик ҳуқуқӣ ҳолати масалалари, унинг ҳуқуқ ва муомала лаёқати, оила муносабатлари доирасида шахсий ҳуқуқлар, ворислик муносабатлари киради. Шахсий қонун икки вариантда қўлланилади: фуқаролик қонуни (миллий қонун)-lex patriae (lex nationalis) ва турар жой қонуни-lex domicilii. Фуқаролик қонунига мурожаат қилинган ҳолда, юқорида қайд этилган муносабатлар шахснинг фуқаролиги мансуб мамлакат ҳуқуқига бўйсунди. Турар жой қонунини қўллашда эса, шахснинг қайси давлат ҳудудида доимий ёки мунтазам равишда яшаганлиги ҳисобга олинади ва шу мамлакат ҳуқуқи асосий ҳисобланади.

Шахсий қонунга боғланишларни назарда тутувчи коллизия нормалар республика

қонунларида ҳам, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида ҳам мавжуддир.

Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 1168-моддасида [2] шахсий қонунга мурожаат қилиш учун асос бўлган ҳолатларни кўрсатувчи умумий қоидалар акс эттирилган ва қуйидагилар мустаҳкамланган:

Жисмоний шахс қайси мамлакатнинг фуқароси бўлса, шу мамлакат ҳуқуқи унинг шахсий қонуни ҳисобланади. Шахс икки ёки ундан ортиқ фуқароликка эга бўлган тақдирда у қайси мамлакат билан энг кўп узвий боғланган бўлса, унинг учун ўша мамлакат ҳуқуқи шахсий қонун ҳисобланади.

Фуқаролиги бўлмаган шахс қайси мамлакатда доимий яшаб турган бўлса, ўша мамлакат ҳуқуқи унинг шахсий қонуни ҳисобланади.

Қочоқларга нисбатан эса уларга бошпана берган мамлакатнинг қонуни шахсий қонун ҳисобланади.

Шахсий қонунга ҳавола этиш, Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 1169- моддаси 1-қисмига кўра, ҳуқуқий муносабатларнинг у ёки бу соҳасида жисмоний шахсларнинг ҳуқуқий ва муомала лаёқатларини белгилаш учун қўлланилади.

Жисмоний шахснинг ҳуқуқ ва муомала лаёқати масаласига келсак, шуни таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикасида ўзи фуқаро бўлган давлат қонунчилигига кўра муомалага лаёқатсиз ҳисобланувчи 18 ёшга етган чет эл фуқароси билан битим тузишда қандай нормаларни қўллаш керак? – деган савол туғилади.

Ҳозирги даврда барча мамлакатлардаги жисмоний шахсларнинг ҳуқуқий ҳолати қонунлар томонидан тартибга солинган бўлиб, ҳуқуқ лаёқати ва муомала лаёқати тушунчалари ёрдамида очиб берилади.

Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, ҳуқуқ ва муомала лаёқати тушунчалари барча ҳуқуқий тизимларда ҳам мазмун жиҳатидан фарқланавермайди. Англия ва АҚШда муомалага лаёқат ва ҳуқуқий лаёқат битта-ҳуқуқий лаёқат (legal capacity)-термини билан белгиланади. Бу ўринда шуни таъкидлаш керакки, ҳозирда "пассив ҳуқуқий лаёқат" термини ҳам қўлланилмоқда. Бу термин мазмуни жиҳатидан ҳуқуқий лаёқат тушунчасига яқин, "актив ҳуқуқий лаёқат" "aktive capacity", "ҳуқуқий хатти-ҳаракатни амалга оширишга лаёқат" (capacity for performance of legal act) термини эса муомалага лаёқатли тушунчасига мазмунан яқин. Францияда, худди Англиядагидек каби муомала лаёқати ва ҳуқуқ лаёқати ўртасида кескин иборавий тафовут йўқ. Франция ФКнинг 3- моддасида "capacite" термини қўлланилади ва бунда муомала лаёқати ва ҳуқуқий лаёқат тушунилади. ФФКнинг 488-моддасида вояга етган фуқаро фуқаролик ҳаётининг барча хатти-ҳаракатларига лаёқатли бўлиши тўғрисидаги норма акс эттирилган. Суд амалиётида ва юридик адабиётларда муомала лаёқати (capacite d'exercice) ва ҳуқуқий лаёқат (capacite de jouissance) [3] бир биридан ажратилади. Француз ва инглиз ҳуқуқидан фарқли равишда Германия фуқаролик Тузумида (ГФТ) учта термин қўлланилади: "ҳуқуқий лаёқат" (Rechtsfahigkeit), "муомала лаёқати" (Delitsfahigkeit) ва "ҳуқуққа хилоф ҳаракатга лаёқат" (Deliktsfahigkeit). Бундай фарқлаш Швейцария фуқаролик кодексида ҳам кузатилади.

60-йилларнинг ўрталарида ғарб давлатларининг кўпчилигида вояга етиш ёши 21 ёшдан 18 ёшга туширилиши тўғрисидаги қонунлар қабул қилинган эди. Масалан, ГФТнинг 2 параграфи ёшининг 18-йили тугаган кунда вояга етган деб

ҳисобланишини кўрсатади. Швейцарияда вояга етган деб 20 ёшга етган шахс ҳисобланади. Англияда инсон 18 ёшга тўлган кунидан бошлаб вояга етган ҳисобланади. АҚШнинг турли штатларида вояга етган деб 18 ёшдан 21 ёшгача бўлган шахслар ҳисобланади. Шунингдек, турли мамлакатларда вояга етмаганларнинг муомала лаёқати ҳажми турличадир.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 17 ва 22-моддаларига кўра фуқароларнинг ҳуқуқ ва муомала лаёқатлари тушунчалари қуйидагича берилган: Барча фуқароларнинг фуқаролик ҳуқуқларига ва бурчларига эга бўлиш лаёқати (ҳуқуқ лаёқати) тенг равишда эътироф этилади.

Фуқаронинг ҳуқуқ лаёқати у туғилган пайтдан эътиборан вужудга келади ва вафот этиши билан тугайди.

Фуқаронинг ўз ҳаракатлари билан фуқаролик ҳуқуқларига эга бўлиш ва уларни амалга ошириш, ўзи учун фуқаролик бурчларини вужудга келтириш ва уларни бажариш лаёқати (муомала лаёқати) у вояга етгач, яъни ўн саккиз ёшга тўлгач тўла ҳажмда вужудга келади.

Жисмоний шахснинг битимлар ва зарар етказилиши оқибатида юзага келадиган мажбуриятларга нисбатан фуқаролик муомала лаёқати битимлар тузилган ёки зарар етказилишидан келиб чиқадиган мажбуриятлар юзага келган мамлакат ҳуқуқи бўйича белгиланади.

Жисмоний шахснинг хусусий тадбиркор бўлиши ҳамда бу билан боғлиқ ҳуқуқлар ва мажбуриятларга эга бўлиш лаёқати жисмоний шахс хусусий тадбиркор сифатида рўйхатга олинган мамлакат ҳуқуқи бўйича белгиланади. Рўйхатга олиш мамлакати бўлмаганда, хусусий тадбиркорлик фаолияти амалга ошириладиган асосий жой бўлган мамлакатнинг ҳуқуқи қўлланилади.

Жисмоний шахснинг муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топиш суд қайси мамлакатники бўлса, шу мамлакат ҳуқуқига бўйсунди (ФКнинг 1169-моддаси 3-5-қисми).

Шахсий номулкий ҳуқуқларга нисбатан бундай ҳуқуқларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги талаб учун асос бўлиб хизмат қилган ҳаракат ёки бошқа ҳолат содир этилган мамлакат ҳуқуқи қўлланилади (ФКнинг 1179-моддаси).

Интеллектуал мулкка бўлган ҳуқуқларга нисбатан бу ҳуқуқларни ҳимоя қилиш сўраладиган мамлакат ҳуқуқи қўлланилади (ФКнинг 1180-моддаси 1-қисми).

Ворисликка доир муносабатлар, мерос қолдирувчи васиятномада ўзи фуқароси бўлган мамлакатнинг ҳуқуқини танлаган бўлмаса, мерос қолдирувчи охириги доимий турар жойга эга бўлган мамлакатнинг ҳуқуқи бўйича белгиланади (ФКнинг 1197-моддаси)

Кўчмас мулкка ворислик мазкур мулк жойлашган мамлакат ҳуқуқи бўйича, Ўзбекистон Республикасининг реестрида қайд этилган мол-мулкка ворислик эса, Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқи бўйича белгиланади (ФКнинг 1199-моддаси).

Ҳулоса қилганда, турли давлатларда чет эл фуқароларнинг ҳуқуқий ҳолатлари, жисмоний шахснинг шахсий қонуни, жисмоний шахснинг ҳуқуқ ва муомала лаёқатининг аҳамиятлиги ҳар бир давлат қонунчилигида катта аҳамиятга эгалиги билан ажиралиб туради.

Адабиётлар:

1. Международное частное право: современные проблемы. -М.: ТЕИС, 1994. 119-125 бетлар.
2. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси www.lex.uz
3. Гражданское и торговое право капиталистических государств. Отв.ред. Е.А.Васильев. -М., Международные отношения. 1993. 63-бет.



INNOVATIVE
ACADEMY